

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗМЕТОВ ФАЗЛИДДИН ШАРИФБОЕВИЧ

**БЕТОН ЛОМИДАН ОЛИНГАН ИККИЛАМЧИ ТЎЛДИРУВЧИЛАР
АСОСИДАГИ ЦЕМЕНТЛИ БЕТОННИНГ СТРУКТУРА ҲОСИЛ
ҚИЛИШИ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.09.05 - "Қурилиш материаллари ва буюмлари" мутахассислиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy(PhD) on
technical sciences**

Рўзметов Фазлиддин Шарифбоевич

Бетон ломидан олинган иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги
цементли бетоннинг структура ҳосил қилиши қонуниятлари
ва технологияси.....5

Рўзметов Фазлиддин Шарифбоевич

Особенности структурообразования и технология получения бетона
на основе вторичных заполнителей из бетонного лома.....22

Rozmetov Fazliddin Sharifboyevich

Features of structural formation and technology of producing cement
concrete based on secondary aggregates from concrete scrap.....41

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works48

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc 26/30.12.2019.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗМЕТОВ ФАЗЛИДДИН ШАРИФБОЕВИЧ

**БЕТОН ЛОМИДАН ОЛИНГАН ИККИЛАМЧИ ТЎЛДИРУВЧИЛАР
АСОСИДАГИ ЦЕМЕНТЛИ БЕТОННИНГ СТРУКТУРА ҲОСИЛ
ҚИЛИШИ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ**

05.09.05 - "Қурилиш материаллари ва буюмлари" мутахассислиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/T2424 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNeb» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махаматалиев ИрқинМуминович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Касимов Ибраҳим Ирқинович
техника фанлари доктори, профессор в.б.

Газиев Учқун Абдуллаевич
техника фанлари номзоди, профессор

Ётақчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc 26/30.12.2019.т.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 15 март соат 12³⁰ да Архитектура факультетининг мажлислар залида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси 7в-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00; e-mail: devon@taqi.uz, taqi_atmt@edu.uz)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танилиш мумкин (№ 75 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100084, Тошкент ш., Кичик Халқа йўли кўчаси 7-уй. Тел.: (99871) 232-43-30 факс: (99871) 234-15-11, e-mail: taqi_atmt@edu.uz). (99871) 241-80-00; e-mail taqi_atmt@edu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил 28 февраль кунни тарқатилди.
(2021 йил 28 декабрь 12-рақамли реестр баённомаси).



Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.Т. Хотамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашнинг иккинчи котиби, т.ф.д., доцент

Б.А. Асқаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш жойлаштирилган илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафадоктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ресурс-ва энергиятежамкор экологик хавфсиз цементли композициялар ва технологияларни яратиш ва уларни қурилиш индустриясида ишлаб чиқаришга жорий этиш масалалари етакчи ўринни эгалламоқда. Қурилиш индустрияси соҳасида материал ва энергетик ресурсларни иқтисод қилишнинг энг муҳим захираси темирбетон буюмлари корхоналари ва қурилиш объектларининг бетон ломи кўринишидаги чиқиндиларидан унумли фойдаланиш ҳисобланади. Шунинг учун кўпчилик мамлакатларда нокондицион темирбетон буюмларини механик усулда емириш бўйича комплексларнинг кенг жорий қилиниши ва майдаланган бетондан иккиламчи тўлдирувчи олиниши туфайли уларни темирбетон буюмлар ва конструкцияларда рационал равишда қўллаш масаласини ечиш долзарб масала сифатида кўрилмоқда.

Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари, шулар жумласидан АҚШ, Япония, Германия, Дания, Белгия ва Нидерландия илмий-тадқиқот марказларида иккиламчи тўлдирувчилар ва уларнинг асосида олинувчи бетонларнинг таркибини танлаш ва хоссаларини ўрганиш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги цементли бетонларнинг оддий ва модификацияланган турлари таркиблари ишлаб чиқилганлиги ва уларнинг қурилиш-техник ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш мақсадида кимёвий ва минерал қўшимчалардан фойдаланиш, қўшимчаларнинг гидратация вақтида кристаллогидратларнинг ҳосил бўлишига таъсири қонуниятлари, қотаётган цемент тошида структура ҳосил бўлишини мақсадли бошқариш механизмларининг очиб берилганлигини таъкидлаб ўтиш жуда муҳим ҳисобланади.

Республикамизда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, табиий хомашё материалларини иқтисод қилиш ва саноат чиқиндиларидан ишлаб чиқаришда фойдаланиш имконини берувчи ресурс-ва энергиятежамкор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясида, хусусан “...миллий иқтисоднинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодда энергия ва ресурслар сарфини пасайтириш, энергия тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этиш...”¹ вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифаларни бажаришга, шу жумладан маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқарилувчи ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиб самарали бетон ва темирбетон ишлаб чиқаришда фойдаланиш, иккиламчи тўлдирувчилар асосида сифатли конструкция ва буюмларни ишлаб чиқариш технологияларини яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сонли “2016-2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш бўйича тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва шунингдек, бу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II.«Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қурилиш материаллари, хусусан цементли композицион материаллар ишлаб чиқариш учун саноат чиқиндиларидан унумли фойдаланиш қурилиш соҳасидаги муҳим муаммолардан бири бўлиб иккиламчи тўлдирувчилар асосида самарали бетон ва темирбетонлар конструкцияларнинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилиш ва ресурс- ва энергиятежамкор технологияларини яратиш масалалари бўйича чет эл олимлари жумладан: Ю.М. Баженов, В.Г. Батраков, А.И. Вовк, Л.И. Дворкин, В.С. Изотов, В.И. Калашников, С.С. Каприелов, В. Рамачандран, В.Б. Ратинов, Т.И. Розенберг, Дж. Ронсер, В.В. Стольников, Б.Д. Тринкер, А.В. Ушеров-Маршак, В.Р. Фаликман ва бошқалар шуғулланиб, ушбу масалаларни ҳал қилишга катта ҳисса қўшганлар.

Юртимиз олимлари, У.А.Газиёв, А.Т. Джалилов, Ф.А. Магруппов, И.М.Махаматалиев, М.У.Каримов, А.Э.Одилхўжаев, Э.У.Қосимов, Н.А. Самигов, М.К. Тохиров, А.А.Тўлаганов, Н. Талипов, С.А.Ходжаев, В.Цой ва бошқалар бу соҳада турли йилларда саноат чиқиндилари асосида самарали бетонларнинг таркиби ва технологиясини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борганлар ва муҳим натижаларга эришганлар. Улар томонидан амалга оширилган кўплаб тадқиқотларда саноат чиқиндиларининг цементли системаларга таъсир кўрсатиши, чиқиндилар асосидаги дисперс системаларнинг сирт фаоллигини минерал заррачаларнинг ўлчами оптимал бўлган микротўлдиргичлардан фойдаланиб бошқариш механизмлари очиб берилган, иккиламчи тўлдиргичлар қўшилган ҳамда олдиндан белгиланган хоссалар комплексига эга бўлган модификацияланган бетонлар структурасининг мақсадга йўналтирилган шакллантирилиш масалалари, цементли бетонлар самарадорлигини ошириш учун майдаланган бетондан олинувчи иккиламчи тўлдирувчиларни қўллаш жуда муҳим аҳамиятга эга эканлиги батафсил кўриб чиқилган.

Бироқ, бошланғич материаллар хусусиятларининг ўзига хослиги ва уларнинг мустаҳкамлик, донадорлик таркиби бўйича бир хил эмаслиги, бўш ташкил этувчиларининг мавжудилиги ва бошқалар майдаланган бетондан

олинувчи иккиламчи чақиқ тошни темирбетон конструкциялар технологияси ва қурилишда кенг қўламда ишлатишга тўсқинлик қилмоқда. Иккиламчи чақиқ тошдан темирбетон буюм ва конструкциялар технологиясида рационал фойдаланиш масаласини хал қилиш, аввалом бор, бетон ломидан кондицион тўлдирувчиларни олиш бўйича техник шартларни ишлаб чиқиш, ҳамда уларни турли вазифалардаги бетонлар таркибида ишлатиш бўйича меъёрий базани яратишга қаратилган илмий изланишларни олиб бориш хозирги кунда жуда долзарб вазифалардан биридир. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсад ва вазифаларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университети илмий тадқиқот ишлари режаларининг № И-2015-8-2 «Бетон ва йиғма темир-бетон ишлаб чиқаришига самарадор технологияни жорий қилиш» (2013-2015); № А14-013 «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган оддий маркали цемент асосида юқори мустаҳкам бетонларни олиш технологияси ва таркибларини ишлаб чиқиш» (2012-2015), № БВ-Ф4-04 «Композицион материалларнинг полиструктурали назарияси асосида кўп компонентли юқори сифатли бетонлар таркибини оптималлаштириш ва хоссаларини башорат қилиш» (2017-2019) мавзулари бўйича олиб борилган инновацион, фундаментал ва амалий лойиҳаларнинг доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бетон ломидан олинувчи иккиламчи тўлдирувчиларнинг цементли системаларда структура ҳосил қилиши қонуниятларини ўрганиш асосида турли хилдаги цементли бетонларнинг самарали таркиблари ва технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бетон ломини майдалаш натижасида олинувчи иккиламчи тўлдирувчининг хоссаларини ўрганиш;

кондицион иккиламчи чақиқ тош учун техник шартларни ишлаб чиқиш; цементнинг оддий М400 маркаси учун иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги оддий, модификацияланган ва комплекс модификацияланган бетонларнинг таркибларини ишлаб чиқиш;

иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги цементли бетонларнинг хоссаларини тадқиқот қилиш ва ушбу бетонлардан самарали темирбетон конструкциялар ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлигини асослаб бериш;

иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги цементли бетонга иссиқлик-намлик билан ишлов бериш жараёнининг оптимал режимини аниқлаш;

илмий тадқиқотлар натижаларини тажрибавий ишлаб чиқаришга жорий қилиш ва ишланманинг техник-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бетон ломини майдалаш натижасида олинувчи иккиламчи тўлдирувчилар ва ушбу тўлдирувчилар асосида тайёрланган цементли бетонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бетон ломини майдалаш натижасида олинувчи иккиламчи тўлдирувчиларнинг хоссалари ҳамда иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги цементли бетонларнинг структура хосил қилиши қонуниятлари ва таркиблари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида цементли системаларни физик-механик синашнинг замонавий усулларида, цементли бетонларнинг сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг стандартлаштирилган усулларида, физик-кимёвий таҳлил усулидан, оптималлаштиришда экспериментларни математик режалаштириш усулидан ҳамда экспериментлар натижаларини статистик таҳлил қилиш усулидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иккиламчи тўлдирувчининг цементли бетонлар таркибида камайтирилган капилляр ғовакликли контакт зонасининг ва цемент тоши билан тўлдирувчи ўртасида юқори мустаҳкам бирикишнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи гидравлик фаолликка эга бўлиши очиб берилган;

цементнинг оддий М400 маркаси учун иккиламчи тўлдирувчи асосида мустаҳкамлик бўйича синфи В25 гача бўлган модификацияланган бетонлар олиш мумкинлиги асослаб берилган;

илк бор цементнинг оддий М400 маркаси учун иккиламчи тўлдирувчи асосида мустаҳкамлик бўйича В35 синфига мансуб комплекс модификацияланган бетон олиш имконини берувчи юқори ҳаракатчан бетон қоришмасининг таркиби ишлаб чиқилган;

махаллий хом ашё ва материаллардан фойдаланиб иккиламчи тўлдирувчи асосида мустаҳкамлиги 50 МПа га етувчи ўзи зичланувчи бетон кўринишидаги комплекс модификацияланган бетоннинг таркиби ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

махсулотни сертификатлаш учун зарур бўлган бетон ломидан олинган иккиламчи чақиқ тошга техник шартлар ишлаб чиқилди;

бетон ломидан олинган иккиламчи чақиқ тошдан фойдаланиб олинувчи модификацияланган бетонларнинг мустаҳкамлиги бўйича В25 синфига ва музлашга чидамлилиги бўйича F150 маркасига мувофиқ келувчи оптимал таркиби ишлаб чиқилди;

бетон ломидан олинган иккиламчи чақиқ тош асосида комплекс модификацияланган бетоннинг мустаҳкамлиги нормал шароитда 28 сутка давомида 50 МПа эга бўлувчи ўзи зичланувчи турининг таркиби ишлаб чиқилди;

бетон ломидан олинган иккиламчи тўлдирувчи асосидаги бетонни иссиқлик-намлик билан ишлов беришнинг оптимал режими аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги катта ҳажмдаги экспериментал тадқиқотлар комплексининг замонавий услуб ва воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг юқори даражада мутаносиблиги, олинган натижаларни ишлаб чиқишда математик статистиканинг синалган усулларида фойдаланилганлиги, ҳамда ишлангани

амалиётга жорий қилишда ижобий натижага эришилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бетон ломидан олинган иккиламчи тўлдирувчининг цементли бетонлар таркибида камайтирилган капилляр ғовакликли контакт зонасининг ва цемент тоши билан тўлдирувчи ўртасида юқори мустаҳкам бирикишнинг ҳосил бўлишига олиб келувчи гидравлик фаолликка эга бўлиши очиб берилганлиги, ҳамда илк бор цементнинг оддий М400 маркаси учун иккиламчи тўлдирувчи асосида мустаҳкамлик бўйича В35 синфига мансуб комплекс модификацияланган бетон олиш имконини берувчи юқори ҳаракатчан бетон қоришмасининг таркиби ишлаб чиқилганлигида ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бетон ломидан олинувчи иккиламчи тўлдирувчи асосидаги цементли бетонларнинг оддий, модификацияланган ва комплекс модификацияланган турларининг самарали таркиблари ишлаб чиқилганлиги, ҳамда иккиламчи тўлдирувчи асосидаги цементли бетонга иссиқлик-намлик билан ишлов бериш жараёнининг оптимал режими аниқлаб берилганлигида ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бетон ломидан олинган иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги цементли бетоннинг структура ҳосил қилиши қонуниятлари ва технологиясини тадқиқот қилишдан олинган илмий натижалар асосида:

иккиламчи чақиқ тош асосида ишлаб чиқариладиган бетон таркиблари “Toshkent Technologik Qurilish” МЧЖ корхонасида амалиётга жорий қилинган. (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2021 йил 05/15-2910-сон маълумотномаси). Натижада махсулотнинг таннархини 10-15% га камайтириш имконияти яратилган. Олинадиган иқтисодий самара 1 м³ йиғма бетон учун 50,2 минг. сўм бир йилда эса 321,3 млн. сўмни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 7 таси илмий мақола, шу жумладан SCOPUS базасига кирувчи журналларда 4 та, Ўзбекистон Республикаси ОАК фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола нашр этилган. Бундан ташқари ихтиро учун 1та патент олишга эришилган (IAP 05771).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулосалар, 103 номли фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми компьютерда терилган 120 бетни ташкил этади, шу жумладан 36 та жадвал ва 23 та расмни ўз ичига олади.

ДИССЕРАЦИЯНИНГ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация тадқиқотларининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Бетон технологиясида бетон ломини утилизация қилиш тажрибаси"** номли биринчи бобида бузилаётган бино ва иншоотлар конструкцияларини қайта ишлаш тажрибаси билан боғлиқ техник адабиётлар ва тадқиқотларнинг таҳлилий шарҳи берилган. Шунингдек, ушбу бобда бетоннинг структураси ва хоссаларининг шаклланишида тўлдирувчиларнинг аҳамиятини ўрганишга бағишланган маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг нашр қилинган асарлари таҳлили натижалари ҳамда бетон ломини бурдалаш йўли билан олинувчи тўлдирувчи асосида турли мақсадлардаги бетонларни олишда мавжуд бўлган муаммолар акс эттирилган.

Иккиламчи тўлдирувчилар бирламчи тўлдирувчиларга нисбатан сифат жиҳатидан пастроқ ҳисобланади, аввалом бор заррачаларининг шакли бўйича. Уларда бундан ташқари зичлиги, бир бирлик ҳажмининг массаси ва зич жисмдаги ҳажмининг фоизи ҳам пастроқ, сув ютувчанлиги, шамолда нурашга қаршилигини синаганда массанинг йўқотлиши, едирилишда йўқотишлари юқорироқ. Ушбу барча ўзгаришлар цемент бетон ломидан олинган чақик тошдаги қоришма қисмининг мавжудлиги билан боғлиқ. Бурдаланган бетондан олинган тўлдирувчини цементли бетон таркибида ишлатишга оид ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижалар иккиламчи тўлдирувчини фаоллаштириш бўйича илмий ишларни, хусусан қурилиш ишлаб чиқаришида қўллаш доирасини кенгайтириш мақсадида механик, электроимпульсли ва кимёвий фаоллаштириш усуллардан кенг фойдаланган ҳолда тадқиқотларни давом эттириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатиб берди.

Адабиётлар шарҳидан шулар маълум бўлдики, бетон ломини бурдалаш йўли билан олинувчи тўлдирувчи, бир қатор ўзига хос бўлган хусусиятларга эга ва бу хусусиятларни бетон қоришмаларининг таркибини оптималлаштириш ва берилган технологик кўрсаткичларга эга бўлган бетон қоришмасини тайёрлаш, ҳамда уларни турли вазифалардаги темирбетон буюмлар ва конструкцияларда фойдаланишда эътиборга олиш лозим.

Диссертациянинг **"Бошланғич материалларнинг тавсифи ва тадқиқот методикалари"** деб номланган иккинчи бобида экспериментал тадқиқотларда ишлатилган хом ашё ва материалларнинг физикавий, физик-механик ва кимёвий хусусиятлари келтирилган ҳамда бетон қоришмаси ва бетоннинг хоссаларини тадқиқот қилиш услублари батафсил ёритиб берилган. Цемент тошининг ғоваклик структурасини тадқиқот қилишда Thermo Scientific

фирмасининг Pascal 240 EVO сериясига мансуб симобли порозиметрдан фойдаланилди.

Тадқиқотларда бетон қоришмасини тайёрлашда қуйидаги материаллар ишлатилди: Охангарон цемент заводининг М400 маркали цементи, бетон чиқиндисидан олинган фракциялари 5-20 мм бўлган иккиламчи чақиқ тош ва ўртача йирикликдаги Майский конининг кварцли куми. Таққослаш учун Эйвалек конининг фракциялари 5-20 мм бўлган охактошли чақиқ тоши асосидаги бетон қоришмалари ҳам тайёрланди. Кимёвий кўшимча сифатида «Arment Construction Chemical» компаниясининг «POLIMIX» суперпластификатори ҳам ишлатилди.

Диссертациянинг **“Бетон ломидан олинган иккиламчи тўлдирувчиларнинг хоссаларини тадқиқот қилиш ”** номли учинчи бобида бино ва иншоотларнинг бетон ва темирбетон элементларини қайта ишлаш натижасида олинувчи чақиқ тошнинг хоссаларини ўрганишга бағишланган.

Бу бобда бетон ломидан олинувчи чақиқ тош намуналарини ажратиб олишнинг методикаси келтирилган бўлиб, у бурдаловчи-сараловчи комплексларда махсулотнинг сифатини баҳолаш мақсадларида ишлаб чиқилди. Қайта ишлаш комплекси томонидан чақиқ тош-қумли аралашмани чиқаришда уни стандарт тўпламдаги симэлакларда ГОСТ 8269.0-97 “Зич тоғ жинсларидан ва саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларидан қурилиш ишлари учун чақиқ тош ва шағал. Физик-механик синашлар методлари”га мувофиқ эланиши лозим. Бунда аралашмадаги турли фракцияли чақиқ тошнинг: 5-10 мм, 10-20 мм, 20-40 мм ва 40-80 мм бўлган фоизли улушлари, ҳамда қумсимон фракциялари ва 80 мм дан йирик ўлчамли доналари улуши аниқланади. Биноларнинг бетон ва темирбетон элементларининг бурдаланиши махсулотларидан олинган умумлашма намунани ГОСТ 8269.0-97 “Зич тоғ жинсларидан ва саноат ишлаб чиқариши чиқиндиларидан қурилиш ишлари учун чақиқ тош ва шағал. Физик-механик синашлар методлари”га мувофиқ сифат кўрсаткичларини аниқлаш учун синалди. Бузилган бинонинг элементларини бурдалашдан олинган чақиқ тош-қум аралашмаси доналарининг ўлчамлари 60 мм гача майдаликда бўлди. Ушбу аралашмадан ажратиб олинган чақиқ тош фракцияларининг асосий хажми 5-10 мм ва 10-20 мм га тўғри келди. Ушбу фракцияли чақиқ тошлар сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқотлар натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Чақиқ тош фракцияларининг физик-механик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар номи	Фракциялар, мм	
		10-20	5-10
1	Тўкилма зичлик, кг/м ³	1090	1050
2	Ўртача зичлик, г/см ³	2,28	2,16
3	Бўшлиқлари хажми, %	52,2	51,4
4	Чангсимон ва гилсимон заррачалар миқдори, %	1,07	3,0

5	Сув ютувчанлиги, %	6,0	8,4
6	Цилиндрда бурдаланувчанликка мустахкамлиги: -масса йўқотилиш, % -мустахкамлик бўйича марка	19,0 400	18,5 400
7	Пол усти барабанида едирилувчанликка мустахкамлиги: -масса йўқотилиш, % -едирилиш бўйича маркаси	32,0 И2	31,4 И2
8	Пластинкасимон ва игнасимон шаклдаги доналарининг миқдори, %	22,0	27,3
9	Органик қўшилмаларнинг мавжудлиги (колорометрик намуна)	Ранг бермади	Ранг бермади
10	5 мм дан кичик бўлган доналари миқдори, %	4,5	13,6
11	Ювилганидан (тиндирилгандан) сўнг 5 мм дан кичик бўлган доналари миқдори, %	3,0	7,9


Ўтказилган тадқиқотлар ва лаборатория синовлари асосида бетон ломини қайта ишлаш махсулотларининг сифатига баҳо бериш методикаси ва бетондан олинган чақиқ тош учун техник шартлар ишлаб чиқилди. Ушбу техник шартлар иккиламчи чақиқ тошни синфи В30 гача бўлган оғир бетонлар учун тўлдирувчи сифатида ишлатиш мумкинлиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб тайёрланди ва унда махсулотга техник талаблар, қабул қилиш қоидалари, назорат қилиш, транспортлаш ва сақлаш усуллари ўз аксини топди.

Диссертациянинг **“Бетон ломидан олинган иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги бетон қоришмалари ва бетонларнинг хоссаларини тадқиқот қилиш”** номли тўртинчи бобида бетон ломини қайта ишлаш натижасида олинувчи чақиқ тош асосида тайёрланувчи бетон қоришмалари ва турли мақсадлардаги бетонларнинг хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Бетон ломидан олинган чақиқ тошнинг ўзига хос томонларидан бири шундан иборатки, чақиқ тош доналари қисман ёки буткул цемент қоришмасидан иборат қобиққа эга бўлади. Ушбу қобиқнинг маълум даражада ғоваклиги мавжуд бўлгани учун бу тўлдирувчининг юқориқ сув ютувчанлигига сабабчи бўлади. Бетонни бурдалаш йўли билан чақиқ тош олинаётганда бетон бўлақларининг емирилиши содир бўлади ва бунда цемент тошининг янги физик-кимёвий фаол сиртларининг очилиши ёки хосил бўлиши кузатилади. Ушбу сиртларнинг гидратацияга учрамаган қисми кейинчалик гидратацияланиши мумкин.


Бундай тўлдирувчи бетон қоришмаси таркибида юқори сув талабчанлик хусусиятини намоён қилиши мумкин. Юқориқ сув талабчанлик ва сув ютувчанликка эга бўлган тўлдирувчи бетон қоришмасининг муайян структурасини хосил бўлишига сабабчи бўлади. Бундай тўлдирувчи бетон

қоришмасида анча юқори ғовакликка эга бўлиб дастлаб бетон қоришмасидаги сувни ўзига ютиб олади. Бунда системадаги сувнинг қаттиқ, сууқ ва газсимон фазалар ўртасида қайта тақсимланиши содир бўлади ва шу туфайли қоришманинг реологик хоссалари ўзгаради. Цемент тошининг капилляр-ғовакли структураси хосил бўлаётганда эса ушбу сув тўлдирувчининг ғовакликларидан қотаётган цемент тоши системага қайта сўрилади. Шундай қилиб бетон ломидан олинган чақиқ тош ҳам цемент тошининг структураси шакилланишида, ҳам цемент тоши ва тўлдирувчи ўртасидаги контакт зонасининг шакилланишида фаол иштирок этади. Цемент тоши структурасининг шаклланиши системада камроқ сув иштирок этиши шароитида содир бўлади. Иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетонларнинг эрта структура хосил қилиши жараёнини ўрганиш учун бир қатор экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Экспериментал тадқиқотларнинг натижалари 1-3-расмларда келтирилган.




1-расм. Вақт бўйича бетондан иссиқлик ажралиб чиқишининг график боғланиши

1-бетон оҳактошли чақиқ тошда; 2-бетон-иккиламчи чақиқ тошда; 3-бетон иккиламчи чақиқ тош ва СП«POLIMIX» қўшилганда.



2-расм. Вақт бўйича силжишнинг чегаравий кучланиши ўзгаришининг график боғланиши





3-расм. Вақт бўйича ультратовушли тебранишлар ўтиши тезлиги ўзгаришининг график боғланиши

1-бетон оҳактошли чақиқ тошда; 2-бетон-иккиламчи чақиқ тошда; 3-бетон иккиламчи чақиқ тош ва СП«POLIMIX» қўшилганда.

Тадқиқотлар натижалари шулардан далолат бермоқдаки, пластик мустаҳкамликнинг юқори суръатларда жадал ўсиши, ультратовушли

тебранишлар ўтиши тезлиги ва иссиқлик ажралиб чиқишининг ортиши иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетонда кузатилади. Бизнинг фикримизча, бетоннинг структураси системадаги сувнинг қайта тақсимланиши натижасида сезиларли ўзгаришларга учрайди, чунки иккиламчи чақиқ тош юқори даражада ғоваликка эга бўлиб шунинг эвазига сув ютувчанлиги ҳам анча юқорироқ бўлади. Бунинг натижасида бетон қоришмасига қўшиладиган сувнинг бир қисми иммобилизацияга учрайди, иккиламчи тўлдирувчининг сувни шимиб олиши ҳисобига. Шунинг эвазига иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетон структурасининг шаклланиши даври охактошли чақиқ тош асосидаги бетон структураси шаклланишининг даврига нисбатан бир мунча қисқароқ бўлади. Кейинчалик қотиш жараёнида иккиламчи чақиқ тош томонидан ютилган сув юқорироқ капилляр потенциал таъсири натижасида дастлабки структура шаклланиши давридан кейин цемент тоши томонидан қайта сўрилиб олади ва бу сув цементнинг гидратацияси жараёнида фаол қатнашади. Буларнинг хаммаси цемент тоши структурасининг бирмунча юқорироқ зичликда шаклланишига сабабчи бўлади, структуранинг ғоваклиги камаяди ва мавжуд ғовакларининг ўлчамлари ҳам сезиларли майдалашади. Бундан ташқари цемент тоши ва тўлдирувчи ўртасидаги контакт зонасининг мустаҳкамлиги ва зичлиги ҳам анча ортади. Шундан келиб чиқиб бетон ломини бурдалаш йўли билан олинган иккиламчи чақиқ тошнинг бетондаги цементли боғловчи гидратацияси жараёнларига ижобий таъсири тасдиқланди. Ушбу ижобий таъсир бетоннинг камайтирилган ғовакликка эга бўлган нисбатан зичроқ бўлган микроструктурасининг шаклланиши ва ғоваклиги структурасида майда ғоваклар улушининг кўпайиши, ҳамда цемент тоши билан иккиламчи тўлдирувчи ўртасидаги контакт зонасининг мустаҳкамроқ ва зичроқ бўлишида ифодаланади.

Ушбу мулоҳазаларни тасдиқлаш учун бетондаги цемент тошининг ғоваклик структураси тадқиқот қилинди. Экспериментал тадқиқотлар юқорида кўриб чиқилган бетонларнинг 3 та таркиби учун ўтказилди. Тадқиқотлар натижасида бетондаги цемент тошининг дифференциал ғоваклиги гистограммаси (4-расм) ва интеграл ғоваклиги графиги (5-расм) тузилди. Бундан ташқари бетондаги цемент тоши ғовакларининг ўртача диаметри ҳам аниқланди (2-жадвал).



4-расм. Бетондаги цемент тошининг дифференциал ғоваклиги гистограммасы

5-расм. Бетондаги цемент тошининг интеграл ғоваклиги графиги

2-жадвал

Бетондаги цемент тоши ғоваклик структурасининг тавсифлари

Ғоваклик структурасининг кўрсаткичлари	Таркиб №1	Таркиб №2	Таркиб №3
Ғоваклар умумий хажми (мм ³ /г):	71,12	79.39	53.70
Ғоваклар сиртининг умумий юзаси (м ² /г):	5.691	5.858	5.153
Ғовакларнинг ўртача диаметри (мкм):	0.088	0.075	0.050
Намуналарнинг умумий ғоваклиги, %	15.651	16.508	14.189

Ғоваклик структурасини таҳлил қилиш шуни кўрсатиб бердики иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетондаги цемент тошининг умумий ғоваклиги назорат таркибидаги бетондаги цемент тошининг умумий ғоваклигидан 5,8 % га ортиқ бўлсада, уларнинг умумий хажмида капилляр ғовакларнинг улуши сезиларли даражада камроқ. СП қўшилган иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетондаги цемент тошининг умумий ғоваклиги эса назорат таркибидаги бетондаги цемент тошининг умумий ғоваклигидан 9,6 % га камроқ. Иккиламчи чақиқ тош асосидаги бетонларнинг структура хосил қилиши жараёнини ўрганиш унинг структураси шаклланишининг бошланғич даври бирламчи чақиқ тош асосидаги назорат бетони структураси шаклланишининг ушбу даврига нисбатан бир мунча қисқароқ, мустаҳкамланиш даври эса узунроқ бўлишини кўрсатиб берди (6-расм).



Иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги бетондан тайёрланадиган маҳсулотни иссиқлик-намлик билан ишлов бериш жараёнининг режимига қандай таъсир кўрсатиши тадқиқот қилинди. Экспериментларни режалаштиришнинг математик усулини қўллаш натижасида адекват бўлган иккинчи даражали полиномиал математик моделлар олинди. Бу моделлар иссиқлик-намлик билан ишлов берилган намуналар кубикли мустаҳкамлиги ўзгаришини қабул қилинган ўзгарувчи факторларга: бошланғич сақлаш вақти (X_1), камерадаги харорат ортиши тезлиги (X_2), изотермик қиздириш муддати ва хароратига (X_3, X_4) нисбатан боғланишини ифодалаб беради:

-иссиқлик-намлик билан ишлов берилгандан сўнг 12 соат ўтгач:

-оҳактошли чақиқ тош асосидаги бетон учун: $R_{тво}^{12} = 27 + 1,014X_1 - 1,362X_2 + 0,42X_3 - 1,054X_4 - 1,9X_1^2 - 1,27X_3^2 - 2,1X_4^2 - 1,23X_1X_3 - 1,45X_3X_4$.

-бетон ломидан олинган чақиқ тош асосидаги ва СП қўшилган бетон учун: $R_{тво}^{12} = 26,2 + 0,8X_1 - 0,29X_2 + 0,64X_3 - 1,2X_3^2 - 1,9X_4^2 + 0,9X_1X_4 - 0,9X_3X_4 + 1,4X_1X_2$.

Олинган кўп факторли моделлар графоаналитик усулда таҳлил қилинди. Бунда “Beton.Tehnoloqiya” компьютер дастуридан фойдаланиб чиқиш факторининг ўзгарувчи факторларга нисбатан акс этиш сиртларининг тасвирлари олинди (7-расм).



6-расм. Бетон структураси шаклланишининг асосий даврлари.

7-расм. Математик моделнинг акс этиш сиртлари ($X_{1,2,3,4}=\text{const}$ бўлганда)

I-бошланғич структура хосил бўлиши даври; II-структуранинг мустаҳкамланиши даври; III- структуранинг стабиллашуви даври.

Математик моделларни экстремумга функционал таҳлил қилиш натижасида бетон ломидан олинган чақиқ тош асосидаги бетонларнинг иссиқлик-намлик билан ишлов бериш режимининг оптимал параметрлари аниқланди. Оптимал параметрларга асосланган режим қуйидаги кўринишга эга: 1+2+4+2 соат, 80°C хароратда, харорат кўтарилиши тезлиги 25 °С.

Бурдаланган бетон ломини нафақат мустаҳкамлиги паст бўлган оддий ва модификацияланган балки юқори мустаҳкам комплекс модификацияланган бетонлар таркибида ҳам ишлатиш мумкинлигини асослаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бордик. Тадқиқотлар натижасида В35 синфига мансуб комплекс модификацияланган бетон олиш имкониятини берувчи иккиламчи чақиқ тош асосидаги ва минерал микротўлдиргич сифатида майдаланган бетон ломи ишлатилган юқори ҳақатчан бетон қоришмасининг таркиби ишлаб чиқилди ва патентлаштирилди (3-жадвал).


3-жадвал

Комплекс модификацияланган бетоннинг таркиби ва хоссалари


Минерал микротўлдиргич тури	Бетон қоришмасининг таркиби: 1 м ³ қоришма учун, кг						Харакатчанлик (КЧ), см	Мустаҳкамлик, 28 сут. муддат да, МПа
	Цемент	Микротўлдиргич	Қум	Иккиламчи чақиқ тош	СП С-3	Сув		
Майдаланган бетон ломи	439	101	702	990	2,6 3	175	18,0	47,04
	415	123	693	978	2,4 9	180	18,5	48,80

$S_{\text{сол}} =$ 1000-1250 $\text{см}^2/\text{Г}$	390	146	684	970	2,3 4	185	19,0	44,60
---	-----	-----	-----	-----	----------	-----	------	-------

Тадқиқотларда иккиламчи тўлдиргич тавсифларини яхшилаш учун бетон лomini кўп босқичли майдалаш усулини қўллаш ҳам мумкинлиги аниқланди, яъни майдалашни «юмшоқ» режим бўйича оддий лунжли майдалагичлардан фойдаланган холда бажарганда. Келтирилган 8-расмдан кўришиб турибдики 2-3 босқичда «юмшоқ» режим бўйича майдалангандан сўнг 5-10 мм фракцияли иккиламчи чақиқ тошнинг тавсифлари, хусусан: сув ютувчанлиги(W), бўшлиқдорлиги(П), доналарининг ўртача қалинлиги(b) кескин яхшиланади.



8-расм. Бурдалашнинг фракциялари 5-10 мм ли иккиламчи чақиқ тош хоссаларига таъсири



9-расм. Иккиламчи чақиқ тош турли фракциялари мустаҳкамлигига қайта бурдалаш босқичлари сонининг таъсири

Цилиндрда иккиламчи чақиқ тош мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар натижаси ҳам бетон лomini кўп босқичли майдалаш усулининг самарадорлигидан далолат беради (9-расм). Иккиламчи чақиқ тошни икки- ва уч босқичли бурдалаш унинг мустаҳкамлигини ва бошқа тавсифларини сезиларли оширади, бироқ бурдалаш махсулоти сифатида катта хажмдаги майда ва ўта майда фракциялар ҳосил бўлишига олиб келади.

Ушбу фракциялар бир босқичли бурдалашдан кейинги чақиқ тош каби паст мустаҳкамликка эга бўлиб, табиий кумнинг ўрнига майда ва ўта майда тўлдирувчи сифатида бетон ва қурилиш қоришмалари таркибида қўллаганда уларнинг мустаҳкамлигини пасайтириб юборади. Ушбу фракцияларнинг мустаҳкамликка оид хоссаларини яхшилаш учун улар экспериментлар жараёнида лабораторияга оид шарли тегирмонда 2 минут давомда қўшимча майдаланди. Бу тўлдирувчидаги майда ва ўта майда фракциялар улушини оширди, бироқ улар асосидаги майда донадор бетоннинг мустаҳкамлигини икки баробардан кўпроққа ошириш имкониятини берди.

Бетон лomini бурдалашдан олинган иккиламчи тўлдирувчини ўзи зичланувчи бетон технологиясида ишлатиш мумкинлигини баҳолаш учун иккита таркиб экспериментал синаб кўрилди.

Тадқиқот қилинган бетонлар таркиблари ва уларнинг мустаҳкамликка

оид кўрсаткичлари 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Тадқиқот қилинган бетонлар таркиблари ва уларнинг хоссалари

Таркиб №	Бетон таркиби	Сарф, кг/м ³	Ўйи лиш, мм	Мустаҳкамлик, МПа, кейин		
				1сут.	28сут.	ИНИ
1	Цемент	310	570	19,8	53,4	46,5
	Сув	170				
	Қум	257				
	Оҳактошли чақ. тош(фр.10-20)	256				
	Оҳактошли чақ.тош(фр.5-10)	513				
	Чақ. тошни бурдалаш эланмаси	722				
	Оҳактош уни	295				
	Суперпластификатор «POLIMIX»	1,6				
2	Цемент	313	525	10,2	50,6	40,2
	Сув	190				
	Қум	257				
	Бетонли чақ. тош(фр.10-20)	257				
	Бетонли чақ.тош(фр.5-10)	444				
	Бетонли қум	696				
	Бетон ломидан олинган микротўлдиргич	280				
	Суперпластификатор «POLIMIX»	1,6				

Бетон ломини бурдалаш маҳсулотлари қўлланилиб тайёрланган бетон қоришмасининг ўйилмаси камроқ, гарчи бу таркибда сув анча кўпроқ сарфланган тақдирда ҳам. Демак, иккиламчи тўлдирувчининг сув талабчанлиги анча юқорилиги билан тавсифланади. Сифатли тўлдирувчини бетон лому асосидаги тўлдирувчи билан алмаштирилиши бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлигини 1 суткалик муддатда икки баробар камайишига олиб келади. Бунинг сабаби иккиламчи тўлдирувчили таркибдаги сувнинг юқори эканлигидадир, чунки пластификацияловчи қўшимчанинг сув заррачаларини блокловчи самараси анча давомийроқ таъсир қилади. 28 суткалик муддатда эса бурдаланган бетон лому асосидаги бетоннинг сиқилишга мустаҳкамлиги назорат таркибли бетонникига нисбатан атиги 7-8 % камроқ натижа кўрсатади.

Диссертациянинг **"Бетон ломидан олинган иккиламчи чақик тош асосидаги бетондан буюмлар олиш технологияси ва ишлангани амалиётга жорий қилиш"** номли бешинчи бобида пойдевор блоклари ва деворбоп тошлар ишлаб чиқариш учун иккиламчи тўлдирувчилар асосидаги бетонларнинг таркиби ва технологияси ишлаб чиқилди.

Бетон ломидан олинган чақик тош асосидаги бетонларнинг таркибини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари темирбетон маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Toshkent Technologik Qurilish" МЧЖ ишлаб чиқариш базасида амалга оширилди.

“Toshkent Technologik Qurilish” МЧЖ Ўзбекистон Республикасида темирбетон маҳсулотлар ва товар бетонини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича етакчи корхоналардан ҳисобланади.


